

“Учкураш” мусобақаси ўтказилди

// 03.08.2016

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uchkurash-musobaqasi-utkazildi>

Вазирлик ва идораларнинг таркибидаги қутқарув отрядлари, хизматчи ва харбий хизматчиларининг фавқулодда вазиятлар вақтида самарали қидирув-қутқарув ишларини олиб боришлари, уларнинг бу борадаги билим-кўникмаларини ошириш, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидаги қутқарувчилар билан соҳа йўналиши бўйича ўзаро малака алмашиши учун Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш давлат қўйи тузилмалари ўртасида “Учкураш” мусобақасига асос солинди.

Жорий йилнинг 25-31 июл кунлари “Ўзбекнефтегаз” МХК, “Ўзимёсаноат” АЖ, “Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекцияларининг терма жамоалари мазкур “Учкураш” мусобақасида ўзаро беллашдилар. Беллашув натижаларига кўра:

- 1-чи ўринни “Ўзкимёсаноат” АЖ жамоаси .
- 2-чи ўринни “Ўзбекфтегаз” МХК жамоаси
- 3-чи ўринни “Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекцияси жамоаси эгаллади.